

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Шахрихон туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, шу суд раиси З.Рахимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Патиддиновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шахрихон туман прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Яқубов, жабрланувчилар С.Холиқов, Х.Мансуров, С.Жўраев, судланувчи М.Абдумуталибов ва унинг ҳимоячиси “AYSABAYEV LAWYER” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Айсабаевларнинг иштирокида, Абдумуталибов Муроджон Абдуманноб ўғлига оид 1-1701-2501/1153-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Абдумуталибов Муроджон Абдуманноб ўғли (Abdumutalibov Murodjon Abdumannob o'g'li), 1992 йил 19 февралда Олтинкўл туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, мавсумий ишчи, Олтинкўл тумани, “Қашқар” маҳалла, Қашқар кўчасида яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2025 йил 5 декабрь куни ушланиб, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2025 йил

6 декабрдаги ажримига асосан камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 29 декабрда олган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчининг охирги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Абдумуталибов Муроджон Абдуманноб ўғли қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этган.

Жумладан, М.Абдумуталибов ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил февраль ойида Андижон шаҳар, “Обод” МФЙ, Обод кўчасида яшовчи таниши С.Холиқовнинг ишончига кириб, пулини икки ойда бериш шарти билан “Spark” ва “Nexia-3” русумли автомашиналарини 14.000 АҚШ долларига сотиб олиб, автомашиналарни бошқа шахсларга сотиб юбориб, пулларини С.Холиқовга бермасдан, С.Холиқовга агарда 1.500 АҚШ доллари бериб турса гўёки ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖнинг камомадини тўлаб, даромадларни ҳисоб рақамига тушириб, унга 2 та автомашинани пулларини ва 1.500 АҚШ доллари пулларини тўлиқ беришини ваъда қилиб, ундан яна 1.500 АҚШ доллари пулларини қўлга киритиб, С.Холиқовнинг жами кўп миқдордаги 201.500.000 сўмга тенг 15.500 АҚШ долларини;



-бундан ташқари, такроран 2025 йил 2 апрель куни Андижон шаҳар, “Обод” МФЙ, Обод кўчасида яшовчи таниши Х.Мансуровнинг ишончига кириб, унга “Jentra” русумли 01 N 004 МА давлат белгили автомашина гўёки ўзига тегишли эканини айтиб, 11.200 АҚШ долларига сотиб, олдиндан 4.900 АҚШ долларини олиб, автомашинани Х.Мансуровни номига ўтказиб бера олмаганидан сўнг автомашинани ундан қайтариб олиб, пулларини қайтариб бермасдан, Х.Мансуровга агарда 1.500 АҚШ доллари бериб турса гўёки ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖнинг камомадини тўлаб, даромадларни ҳисоб рақамига тушириб, унга дастлаб олган 4.900 АҚШ доллари ва 1.500 АҚШ доллари пулларини тўлиқ беришини ваъда қилиб, ундан яна 1.500 АҚШ доллари пулларини қўлга киритиб, Х.Мансуровнинг жами анча миқдордаги 82.944.000 сўмга тенг 6.400 АҚШ долларини;

-бундан ташқари, такроран 2025 йил 2 апрель куни Андижон тумани, “Ёрбоши” МФЙ, Ховузбўйи кўчасида яшовчи таниши С.Жўраевнинг ишончига кириб, пулини қирқ кунда бериш шарти билан “Iphone 16 pro” русумли телефон аппаратини 10.200 АҚШ долларига сотиб олиб, телефонларни бошқа шахсларга нақд пулга сотиб, пулларини тўлиқ олган бўлса-да, пулларини С.Жўраевга бермасдан, унинг жами кўп миқдордаги 132.192.000 сўмга тенг 10.200 АҚШ долларини қўлга киритиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, фирибгарлик қилган.

М.Абдумуталибов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган.

М.Абдумуталибовнинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва суд жараёнида текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Судланувчи М.Абдумуталибов судда, айбловга қисман иқроп бўлиб, 4-5 йилдан буён асосан Тошкент шаҳрида яшаб, ўша ерда ишлаб келиши, у дастлаб интернетда онлайн савдо бўйича Андижон вилоятига Тошкентдан товарлар келиши бўйича хизмат кўрсатиб келгани, кейин 2024 йилга келиб “Ажр” номли биологик фаол қўшимчалар (БАД) ишлаб чиқарувчи ва сотувчи фирма билан ҳамкорлик қилиб, уни филиалини очиб, Республика бўйича сотишни бошлаб, ушбу филиални юритгани, улар асосан интернетда савдо қилиб, мижозларни интернет орқали тўплаганлиги сабабли рекламага ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлгани ва шунга ҳам кўп пул сарфлашгани, шу сабабдан ушбу иши заруриятдан пул зарур бўлса, бир-икки ойда фоизи билан қайтаришга пул олиб тургани, сабаби маҳсулотлар тарқатилиб, уни пули унгача келгунига қадар бир-икки ой кетиши, Х.Мансуров ва С.Холиқовларни 1-2 йилдан буён таниши, улар билан пул олди-берди қилиб келгани, улар машина олди-сотдиси билан шуғулланиб келганлиги сабабли, улардан нақд пул олса ҳам улар сўёмка қилиб, кейин унга пул бериб туришгани, ўз вақтида пулларни қайтариб бериб келгани, 2025 йил март ойида унга БАД сотиб олиш учун 10.000 АҚШ доллари керак бўлгани ва С.Холиқовдан ушбу суммани икки ойда 14.000 АҚШ доллари қилиб қайтаришга сўрагани, у рози бўлгани ва унга одатга кўра битта “Nexia-3” ва битта “Spark” русумли автомашинани боши очиққа сотаётган ҳолатда



видеотасвир қилгани ва ундан сўнг 9.850 АҚШ доллари бергани, уни олиб, унга фирмаси учун маҳсулот сотиб олгани, ўша автомашиналарни сотиб олган шахсларни танимаслиги, улар автомашинани ундан эмас, С.Холиқовдан сотиб олишгани, С.Холиқов улардан пулни олиб, унга бергани, шундан сўнг апрель оyi бошларида Х.Мансуровдан олган пуллари қайтариш вақти келиб қолгани ва унга савдосидан келиши керак бўлган пуллар келмаганлиги сабабли бошқа одамдан қарз олиб туришга тўғри келгани ва у таниши С.Жўраевдан 8.000 АҚШ доллари пул сўрагани, у унга 8 та Айфон 16 про русумли телефон аппаратларини беришини, уларни пулини бир ойда 10.200 АҚШ доллари қилиб қайтаришини айтгани ва у рози бўлгани, ушбу ҳолатга Х.Мансуров ҳеч қандай эътироз қилмагани ва ўзи рози бўлгани, С.Жўраев ҳам ўзи рози бўлиб бергани, шунингдек унда телефонга харидори йўқлигини айтганида, у ўзи топиб беришини билдиргани, шундан сўнг унга телефонларни бергани ва шу ҳолатни тасвирга қайд қилгани, кейин улар топиб берган харидорга телефонларни нақд пулга сотиб, Х.Мансуровга қарзини бергани, 2025 йил апрель ойида яна фирмага пул керак бўлгани ва у яна Х.Мансуровни олдига бориб, 5.000 АҚШ доллари пул бериб туришини, бир ойда 5.500 АҚШ доллари қилиб қайтаришини айтгани, у рози бўлиб, ўша вақтда у 01 партияли “Jentra” русумли автомашинаси ҳайдаб боргани учун, у ушбу автомашинада видеотасвир қилиб олишини, гўёки у унга автомашинани сотиб, ундан олдиндан 4.900 АҚШ доллари олиб, кейин яна ўзига қайтариб олаётганини, олган пуллари 5.500 АҚШ доллари қилиб қайтариши тўғрисида сўмқа қилгани ва унга 4.900 АҚШ долларини бергани, уларни нимага олган бўлса, шунга сарфлагани, кейин реклама учун Х.Мансуров ва С.Холиқовдан 3.000 АҚШ доллари пул сўрагани, улар иккаласи 1.500 АҚШ долларидан қилиб, унга юборишгани, уни ҳам рекламага сарфлагани, кейин у ўзи маҳсулот сотиб олувчи фирма билан 1 йиллик муддатга келишув қилиб, 80.000 АҚШ доллари пул ўтказгани ва уларни фирмаси ёпилиб, унга маҳсулот бера олмагани, шундан сўнг у зарарга кириб қолгани ва қарзларини бера олмай қолгани, фирмаси ҳам юрмай қолгани, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, суддан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи С.Холиқов судда, анча йиллардан буён бозорда тарвуз-қовун маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиши, бундан ташқари автомашина олди-сотдиси билан ҳам шуғулланиб келгани, Олтинкўл тумани, Сувюлдуз маҳалласида яшовчи Абдуманноб исмли таниши орқали 2024 йилда М.Абдумуталибов билан танишгани, ўша вақтда у Тошкент шаҳрида дори тарқатувчи фирмада ишлашлигини билдиргани, М.Абдумуталибов у орқали бир икки марта танишларидан вариант, боши очикқа автомашиналар олиб, уларни пуллари вақтида бериб келгани, 2025 йил март ойида М.Абдумуталибов уни олдига келиб, ишлаётган дори фирмасини рекламасига пул керак бўлаётганлигини, агарда унга икки ойда пулини беришга боши очикқа иккита автомашина бериб турса, пулларни тўлиқ вақтида қайтаришини билдириб, ундан автомашина сўрагани, шунда унга ишониб битта оқ рангли “Spark” русумли ва битта оқ рангли, “Nexia-



3” русумли автомашинани 14.000 АҚШ долларига боши очикқа келишиб, унга сотгани, у ўша куннинг ўзида ундан олган автомашиналарни бошқа шахсларга нақд пулга сотиб юборгани ва у айтган одамларни номига уларни расмийлаштириб бергани, шундан сўнг белгиланган вақт яъни 2025 йил май ойи келган вақтида ундан пулларни сўраганида, у турли хил баҳоналарни қилиб, пулларини бермагани, ундан пулларини сўраганида, у фирмасида реклама бўйича 3.000 АҚШ долларига тенг камомад аниқланганлигини, ўшани ёпсагина пуллари тушишини билдириб, унга 3.000 АҚШ доллари бериб турса уни ёпиб, пулларни 17.000 АҚШ доллари қилиб тўлиқ қайтаришини билдиргани, шунингдек ўша вақтда ундан ташқари яна Х.Мансуровнинг ҳам М.Абдумуталибовдан 4.900 АҚШ доллари ҳақи бор бўлиб, у ҳам пулларини ола олмасдан келаётганлиги учун иккаласи шу 3.000 АҚШ долларини бериб турса, тезроқ пулларини қайтариб олишни ўйлаб, 1.500 АҚШ долларидан жами 3.000 АҚШ долларини яна М.Абдумуталибовга беришгани, шундан кейин ҳам у яна баҳоналар қилиб, алдаб юргани, ҳозирда унга етказилган 15.500 АҚШ доллари зарар тўлиқ қоплангани, судланувчи М.Абдумуталибовга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи С.Жўраев судда, автомашина олди-сотдиси билан шуғулланиши, С.Холиқов ҳамда Х.Мансуровларни таниши, улар билан яхши ака-укачилик муносабатида эканлиги, М.Абдумуталибовни 2025 йил бошларидан буён таниши, у С.Холиқов, Х.Мансуровлар билан олди-берди қилиб тургани, 2025 йил март ойи охирларида С.Холиқов унга ўша таниши М.Абдумуталибовга пулини 1 ойда беришга телефон зарур бўлаётганлигини, агар унга ишонса телефон олиб бериб, фойда қилишини билдиргани, кейин М.Абдумуталибов билан гаплашганида, у бир ой ёки 40 кунда пулларни беришини, умуман муаммо бўлмаслигини, телефонларни сотиб, ўзини ишларига ишлатишини билдиргани, сўнг у рози бўлиб 2025 йил 2 апрель куни унга янги қоробка ҳолатида 8 та Iphone 16 pro русумли телефон аппаратлари олиб бергани, у 10 май куни унга 10.200 АҚШ доллари бериши керак бўлгани, у телефонларни олиб кетгани, белгиланган муддат келганида М.Абдумуталибов йўқ бўлиб қолгани, телефонларига жавоб бермай кўйгани, кейин бу ҳақда С.Холиқов ва Х.Мансуровларга айтса, улар ҳам унга машина бериб алданиб қолганлигини билдиришгани, ҳозирда унга етказилган 10.200 АҚШ доллари моддий зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, унга қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Х.Мансуров судда, анча йиллардан буён автомашина олди-сотдиси билан шуғулланиши, Мени Олтинкўл тумани, Сувюлдуз маҳалласида яшовчи Абдуманноб исмли таниши орқали 2024 йилда М.Абдумуталибов билан танишгани, ўша вақтда у Тошкент шаҳрида дори тарқатувчи фирмада ишлашлигини билдиргани, М.Абдумуталибов бир икки марта ундан ва у орқали танишларидан вариант, боши очикқа автомашиналар олиб, уларни пулларини вақтида бериб келгани, 2025 йил апрель ойи бошида М.Абдумуталибов уни олдига келиб, ўзида 2023 йилда ишлаб чиқарилган қора рангли жентра русумли



автомашинаси борлигини, шуни арзонга унга сотишини, автомашина ўзи билан бирга ишловчи Тошкентлик одамни номида эканлигини, уни 10 кун ичида номига ўтказиб беришини, ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини айтгани, кейин у автомашинани кўрганида ҳақиқатдан 01 004 давлат рақам белгили Тошкент рақам бўлгани, уни ҳолати унга манзур келгани, кейин ундан муаммоси бор-йўқлигини сўраса, у умуман муаммоси йўқлигини билдиргани, сўнг у билан ушбу автомашинани 11.200 АҚШ долларига келишгани, у олдиндан 4.900 АҚШ долларини нақд шаклда унга бергани, қолган қисмини автомашина уни номига ўтганидан кейин беришга келишгани, шундан сўнг орадан 10 кун вақт ўтгани ва у М.Абдумуталибовга кўнғироқ қилиб, автомашинани номига ўтказиб бериши чўзилаётганини айтганида, у шериги фирмасини камомади бўйича қамалиб қолганлигини, тез кунда камомадни қоплаб чиқишини ва автомашинани номига ўтказиб беришини билдиргани, кейин уни олдига келиб, автомашинани барибир сотиб юборишини, ундан кўра ўзига сотиб қўйишини, ўша фойдасини беришини, шериги ҳам қачон чиқишини номаълумлиги, олдида ҳижолат бўлиб қолмаслигини айтиб, ундан автомашинани яна ўзи сотиб олгани, келишувга кўра М.Абдумуталибов у берган 4.900 АҚШ доллари пулларга 500 АҚШ доллари қўшиб берадиган бўлгани, унда ҳам пулларни 10 кунда беришини айтгани, лекин яна уни алдаб пулларни бермагани, кейин нимага пулни бермаётганлигини сўраганида, у фирмасида реклама бўйича 48.000.000 сўм камомад аниқланганлигини, ўшани ёпсагина пуллари тушишини билдириб, унга 3.000 АҚШ доллари бериб турса уни ёпиб, пулларни тўлиқ қайтаришини айтгани, шунингдек ўша вақтда ундан ташқари яна С.Холиковнинг ҳам М.Абдумуталибовдан 14.000 АҚШ доллари ҳақи бор бўлиб, у ҳам ола олмасдан келаётганлиги учун иккаласи шу 3.000 АҚШ долларини бериб туришса, тезроқ пулни қайтариб олишларини ўйлаб, 1.500 АҚШ долларидан жами 3.000 АҚШ долларини яна М.Абдумуталибовга беришгани, шундан кейин ҳам у яна уларни алдаб пулларини бермасдан келгани, М.Абдумуталибов унга Андижонда опасини участка чеки борлиги, ўшани сотиб пулни беришини, шунга Андижонга йўлга чиқмоқчилиги, йўл кираси учун 100 АҚШ доллари юбориб туришини, бориб чекни сотиб, уни ҳам қўшиб беришини айтиб, яна ундан 100 АҚШ доллари олгани, у пулларни пластик карта орқали суриб бергани, кейин суриштирса унга сотган автомашинаси ҳам орқа маҳаллада яшовчи йигитга тегишли экани ва уни ҳам ўзи 1 йилга вариантга олганини билгани, ҳозирда етказилган 6.500 АҚШ доллари зарар тўлиқ қоплангани, судланувчи М.Абдумуталибовга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, дастлабки тергов даврида тўпланган ишдаги ҳужжатларда, яъни ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённома, ДВД дискни кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловалар, дастлабки тушунтириш хатлари сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда баён қилинган ҳолатлар айблов тафсилотларига тўла мос келиб, далиллар мажмуини тўлдириб, судланувчининг ҳукм фабулаларидаги айблари тўлиқ тасдиқланди.



Суд жиноят ишида тўпланган М.Абдумуталибовни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, қуйидагиларни аниқлади:

-юқорида қайд этилган далиллар М.Абдумуталибовнинг айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли уларни ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни макбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир ҳил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолаш лозим бўлади.

Суд, иш бўйича тўпланган далилларга ЖПКнинг 95-моддаси асосида ҳуқуқий баҳо бериб, М.Абдумуталибовни ҳукм фабулаларида қайд этилган жиноятларни содир этганликдаги юқоридаги далиллар мажмуи асосида қонунда белгиланган тартибда тўпланганини ва ишга дахлдор бўлганлигини ва улар М.Абдумуталибовни юқорида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда ЖПКнинг 82-моддаси асосида айбланиш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, М.Абдумуталибовнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Абдумуталибовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонунни иқтисодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” ги Қарорини 6-бандини 5-хатбошисида такроран содир этилган талон-торожни квалификация қилишда барча эпизодлар бўйича аниқланган умумий талон-торож суммаси эмас, балки зарар миқдори энг кўп бўлган эпизод бўйича талон-торож суммаси асос қилиб олиниши ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорнинг 20-бандида, айбдорнинг ҳаракатларида кўп ёки жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этилиши каби квалификацияловчи белги мавжудлиги тўғрисидаги масала ЖК саккизинчи бўлимида баён этилган тушунтиришларга мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги,

3-қисмида, агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкани олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмаслиги;

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи М.Абдумуталибов жабрланувчиларнинг мулк ва пул маблағларини олиб, у томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, унинг ҳар бирида ўзганинг мулкани олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса-да, унинг ҳар бир эпизод бўйича талон-торож қилинган мулк қиймати жуда кўп миқдорни ташкил этмайди.



Юқоридагиларга кўра суд, М.Абдумуталибов томонидан талон-торож қилинган айб эпизодларининг зарар миқдори айб эпизодлари бўйича жуда кўп миқдорни ташкил қилмаслигини ҳисобга олиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандидан, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг [8, 54-моддалари](#) мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК [15-моддаси](#)) киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 4-бандида, Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга — судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар кириши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, Қонун талабидан ва Олий суд Пленумининг қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб,

- М.Абдумуталибовга жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган оғир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, айбига қисман иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилали, 2 нафар фарзандлари борлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганини Жиноят кодексининг 56-моддаси асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, шунингдек, айбдорнинг шахси, айбнинг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабабларини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш, 2025 йил 5 декабрдан 2026 йил 12 февралга қадар қамоқда сақланган 70 кунини Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида тайинланган жазодан чегириб юборишни;

-шу билан бирга суд, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

- жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларнинг судланувчига нисбатан даъволари йўқлиги ҳақидаги аризаларини инobatга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

#### ҳ у к м қ и л а д и:

Абдумуталибов Муроджон Абдуманноб ўғли (Abdumutalibov Murodjon Abdumannob o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Абдумуталибовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил 10 (ўн) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

М.Абдумуталибовни 2025 йил 5 декабрдан 2026 йил 12 февралга қадар қамоқда сақланган 70 кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида чегирилиб, узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил 3 (уч) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазони умумий асосларда ИИБ томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблаб ўтаттирилсин.

Жазони ижро қилиш Олтинқўл туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

М.Абдумуталибовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларнинг судланувчига нисбатан даъволари йўқлиги ҳақидаги аризалари инobatга олинсин.

Жиноят ишига илова қилинган уч дона DVD дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, судланувчи, жабрланувчилар томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи:

З.Рахимов

**Маъсул судья: Рахимов Зарифжон Ахмадович**



Хужжат имзоланган: Рахимов Зарифжон Ахмадович, 08.02.2026

